**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЧИЛОВА НИЛУФАР ЎЛМАСОВНА**

# ИНГЛИЗЗАБОН ҒАРБ ВА ЎЗБЕК НАСРИДА ОТ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ (СЕТОН-ТОМПСОН, АННА СЮВЕЛЬ, ТОҒАЙ МУРОД, ТУРОБ ТЎЛА АСАРЛАРИ АСОСИДА)

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**УДК [82-3:599.723.2].09:81`255.2(=512.133**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**
**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

**Очилова Нилуфар Ўлмасовна**
Инглиззабон ғарб ва ўзбек насрида от образи талқини (Сетон-Томпсон, Анна Сювель, Тоғай Мурод, Туроб Тўла асарлари асосида) ..... 5

**Очилова Нилуфар Улмасовна**
Интерпретация образа лошади в английской и узбекской прозе (По произведениям Сетона Томпсона, Анны Сювель, Тогая Мурада, Туроба Тулы).....25

**Ochilova Nilufar Ulmasovna**
The Interpretation of Horse Image in English and Uzbek Prose (Based on the works of Seton Thompson, Anna Sewell, Togay Murad, Turob Tula).....40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works ..... 44

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЧИЛОВА НИЛУФАР ЎЛМАСОВНА**

# ИНГЛИЗЗАБОН ҒАРБ ВА ЎЗБЕК НАСРИДА ОТ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ (СЕТОН-ТОМПСОН, АННА СЮВЕЛЬ, ТОҒАЙ МУРОД, ТУРОБ ТЎЛА АСАРЛАРИ АСОСИДА)

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.1.PhD/Fil1148 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Қувватова Дилрабо Ҳабибовна**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Мўминов Файзулла Абдуллаевич**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| | **Ҳажиева Феруза Мелсовна**<br>филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент |
| **Етакчи ташкилот:** | **Жиззах давлат педагогика институти** |

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «28» ноябрь соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (190 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «27» октябрь куни тарқатилди.

(2022 йил «27» октябрдаги 22-22 - рақамли реестр баённомаси.)

**Д.С.Ўраева**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

**З.И. Расулов**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

**М.М. Жўраева**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

**КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида образ поэтикаси, от образи генезисининг мифологик тафаккур билан боғлиқликда шаклланган, насрда тутган ўрни, бадиий такомили, типологияси, рамзий маънолари инглиззабон Ғарб фольклори, адабиётидаги тарихий асосларини ёритиш доимий эътиборни тортиб келмоқда. Бадиий дискурс таъминотида поэтик ва интертекстуаллик тамойилларининг устуворлигини, воқеа-ҳодисалар мантиқий занжирини таркиб топтиришда асар яратилган давр ва шароит вужудга келтирган омилларни, турли қитъа ижодиёт вакилларининг асарларида от образининг бадиий адабиётда инсонлаштирилиши, серфазилатлиги жиҳатдан инсонга жуда яқин ҳайвон сингари масалаларни қиёсий аспектда тадқиқ қилиш, бу образнинг такомили ёки таназзулидаги ижтимоий иллатларни ёритишнинг ижтимоий-психологик қирраларини текшириш жамиятнинг маданий тараққиётини, бадиий-адабий тафаккурини, маънавий-ахлоқий негизларини, умуминсоний қадриятларини мустаҳкамлаш имконини яратади.

Дунё адабиёт илмида наср эстетикасида характер масаласи, от образи яратилган асарларни қиёсий-типологик, ғоявий-бадиий хусусиятлари, лингвопоэтик ва лингвомаданий аспектда ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Шу доирада инглиззабон Ғарб ва Уйғониш даври насрида яратилган от образи генезисига назар солиш, ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётида яратилган ушбу образнинг тадрижи, миллий жиҳатларини ёритиш, образ талқинига хос умуминсоний хусусиятларни, рамзий-тимсолий маъноларини очиб бериш, устувор поэтик аломатлар, образли структуралар ва типиклаштириш қонуниятларини аниқлашда муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда юксак эътибор билан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган босқичда барча соҳалар каби қиёсий адабиётшунослик ҳам ўз олдига жаҳон стандартларига мос салмоқли тадқиқотлар яратиш вазифасини қўйди. Истиқлол йиллари адабиёт илмида насрда яратилган от образи ифода этган маъноларни очиб бериш, унинг инсоният ҳаёти, узоқ тарихи билан боғлиқ ҳолда юзага келганлигини ва бадиий-тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтганлигини асослашга катта эътибор берилмоқда. Зеро, «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор»[1]. Кўринадики, от образининг адабиётда яратилиши тасодифий бўлмай, у инсоният ҳаётининг узоқ тарихи билан боғлиқ ҳолда юзага келган ва бадиий-тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида ана шу тадрижий жараённи қиёсий аспектда ўрганиш, дунё ижод цивилизациясида ғарб ва шарқ адабий ҳамкорлигида

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» номли маърузаси // Халқ сўзи. – 2017, 4 август. – №153 (6347).

юзага келган туташ илдизларни жаҳон адабий-илмий жамоатчилигини хабардор этиш йўлида долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон ва рус адабиётшунослигида от образи талқинига оид қарашлар В.Жирмунский, С.Д.Буркхарт, Р.Липец, Б.Угал, А.Чинор, Ф.Сумер, С.Келлер, В.Трифонова, О.Кучерова, Л.Стебиҳ [2] ишларида ўз аксини топган.

Ўзбек адабиётшунослигида от образи, унинг фольклорда шаклланиш асослари текширилган, шу билан биргаликда, анималистика йўналишидаги ишларда ҳам тадқиқ қилинган. Булар қаторида фольклордаги от образининг шаклланиш асослари Ҳ.Зарифов, К.Имомов, Ғ.Жалолов, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Т.Ҳайдаров, М.Мирзаева, Ж.Эшонқулов[3] ишларида ўз аксини топган. Ўзбек адабиётшунослиги ва

[2]Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героической эпос. –М.:1947. – С.120-152. // https://soar.wichita.edu/bitstream/handle //Липец Р. Образ батыра и его коня в тюрко-монгольком эпосах. – М.,1984. –С.124–127. // Баҳоуддин Ўгал. Турк мифологияси. –Анқара.1989. –Б. 220–223. // Али Аббос Чинор. Туркларда от ва отчилик. –Анқара.1993. // Фаруқ Сумер. Туркларда отчилик ва минувчилик. –Анқара.1989. https://www.proquest.com. /https:// school-science.ru/2/10/30772
// https://lit.1sept.ru/article.php?ID=200300602 // https://repository.ffri.uniri.hr/islandora

[3] Зарифов Х.Т. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Жанговор от образининг қадимий асосларига доир // Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. Пўлкан шоир. – Т.:1976. –Б. 65-88.// Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Т.,1981.// Жалолов Ғ.Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Т.,1976.// Саримсоқов Б.Эпик жанрдар диффузияси//Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.,1982.–Б. 97-148. // Мусақулов А. Халқ қўшиқларида от инончининг бадиий ифодаси// Ўзбек тили ва адабиёти. – 1994. –№ 4–5–6. –Б. 66–71.// Жўраев М. Ола от культининг ўзбек эпосидаги излари//Адабиёт кўзгуси. – 1996. № –2. –Б.29–37.// Қўшмоқов М. Бахшилар хазинаси. –Т., 1981.// Турдимов Ш. Соқибулбул//Соғлом авлод учун. –1996. № –2.//Ҳайдаров Т. “Гўрўғли” ва мифология синкретизми “Гўрўғлининг туғилиши” достони мисолида ном.дисс. –Т.,1993. –Б. 103–105. // Мирзаева М. Ўзбек халқ достонларида туркумлик. –Т., 1985. –Б.32–35.// Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. –Қарши, 1999. –Б.3–101.

тилшунослигида шу йўналишда Ш.Ашурова[4], А.Тилавов, В.Атаханова, С.Жумаева[5]ларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, М.Саидов ўзбек достонларидаги от образининг генезиси ва бадиий такомили масаласи ёритилган[6]. А.Холмуродовнинг замонавий ўзбек қиссалари тадқиқига бағишланган докторлик диссертациясида Тоғай Муроднинг бошқа қиссалари қатори «От кишнаган оқшом» асари ҳам таҳлил этилган ва бадиий психологизм масаласига эътибор қаратилган[7]. Кўринадики, юқорида тилга олинган ишларда бир халқ фольклори ва адабиёти доирасида от образига муносабат билдирилган. Бироқ инглиз ва ўзбек адабиётида яратилган от образи генезиси, типологияси, рамзий-тимсолий маънолари муайян ижодкорлари асарлари мисолида махсус ўрганилмаган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшуносларининг тадқиқотлари эътиборга олинди, уларга муносабат билдирилди. Тадқиқотимизда бошқа илмий ишлардан фарқли ўлароқ замонавий инглиз ва ўзбек адабиётида от образи яратилган асарларни қиёсий аспектда яхлит бадиий тизим сифатида тадқиқ қилинди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Бухоро давлат университети Филология факультети Ўзбек адабиёти кафедрасининг «Ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш» бўйича режалаштирган илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиззабон ғарб ва ўзбек адабиётининг Эрнест Сетон-Томпсон, Анна Сювель, Туроб Тўла, Тоғай Мурод сингари ёзувчиларнинг асарларидан намуналар мисолида от образи талқини, рамзий–тимсолий маъноларини илмий баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

адабиётшуносликда от образи ўрганилган тадқиқотларнининг назарий асосларини; инглиззабон Ғарб фольклори ва Уйғониш даври насрида яратилган от образи генезисини очиб бериш;

ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётида яратилган от образининг тадрижи, миллий хусусиятларни ёритиш;

---

[4] Ашурова Ш.А. Инглиззабон Ғарб адабиёти ва Ўзбек адабиётида анималистика жанри хусусиятлари (Э.Сетон-Томпсон ва Н.Норқобилов ижоди мисолида), Филология фанлари бўйича фалс. докт. дисс. –Т., 2020. . – 158 б.// Тилавов А. Ўзбек халқ достонларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини.ном.дисс. –Т.2000. // Атаханова В.Р. «Китоби Дадам Қўрқут»даги айрим мотив ва сюжетларнинг Хоразм достонларида қайта ишланиш тамойиллари. Дисс. Т.,2020. –Б. 139 б.

[5] Жумаева С.Ч. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг генетик асослари ва спецификаси: Филол. фан. номз. ...дисс.автореф. – Тошкент,1996.– 168 б.

[6] Саидов М. Ўзбек халқ достонлари ва достончилик маҳорати масалалари. Филол. фанл. докт.дисс. – Т.,1971.

[7] Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнгги чорагида). Филол. фанл. докт.дисс. – Т., 2008.

инглиззабон ғарб насрида яратилган от образининг умуминсоний хусусиятлари ифодаси Эрнест Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрға», Анна Сювелнинг «Қора тулпор» асарлари воситасида асослаш;

ўзбек насрида яратилган от образининг рамзий-тимсолий маънолари ва миллий жиҳатларини Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом», Туроб Тўланинг «Етти зоғора қиссаси» асарлари орқали очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Эрнест Сетон-Томпсоннинг «Pacing Mustang» («Ёввойи йўрға»), Анна Сювелнинг «Black Beauty» («Қора Тулпор»), Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом», Т.Тўланинг «Етти зоғора қиссаси» сингари асарлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни инглиззабон Ғарб ва ўзбек адабиётида яратилган от образи талқини, тадрижи, миллий хусусиятлари ва рамзий-тимсолий маънолари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, герменевтик, аналитик, психологик ва комплекс таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

от образи генезиси, рамзий-тимсолий маънолари, миллий хусусиятларининг антик давр адабиётидаги «Илиада», инглиззабон Ғарб фольклоридаги афсона, масал, иборалар ҳамда Уйғониш даври инглиз адабиётидаги Шекспир сонетлари намуналарида жанговорлик, садоқат, етакчилик ва ҳиёнат тимсолларида намоён бўлиши аниқланган;

ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётида яратилган от образининг бадиий-тадрижийлиги «Гўрўғли», «Алпомиш» достонлари, халқ мақоллари, Н.Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асари, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи Сайёр» достонларидаги лавҳалар орқали далилланиб, унинг бадиий адабиётда инсонлаштирилиши, серфазилатлиги, мардлик тимсоли, бош қаҳрамонга содиқ дўст, йўлдаги йўлдош сингари маъноларни очиб бериши далилланган;

Эрнест Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрға» асаридаги ёввойи йўрға образининг эрк, озодлик, куч-қудрат, жасорат, матонат тимсоли, ҳақиқий йўлбошчи даражасида талқин этилганлиги бадиий лавҳалар орқали далилланиб, мазкур хусусиятлар «Алпомиш» халқ достонидаги Бойчиборга хос такомил белгилари, индивидуаллик ҳамда умумийлик, яқинлик ва ўхшашлик (муштараклик) қирралари асосланган;

Анна Сювелнинг «Қора тулпор» ва Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» асарларидаги отнинг умумбашарий жиҳатлари *садоқат, дўстлик, озодлик* рамзи сифатида ифодаланиши, унинг инсонлаштирилиши *сабот-матонат, сезгирлик, ҳушёрлик, жиддийлик, ўйчанлик* фазилатлари тасвири акс этган бадиий парчаларда намоён бўлиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссасидаги отнинг рамзий маънолари ёритилиб, унинг она табиат инсонга ҳадя этган энг бебаҳо инъоми

эканлиги; ўткир зеҳнли, зийрак, ақлли, сезгир, ғамхўр ҳайвон эканлиги Ч.Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» қиссаси билан қиёсий аспектда очиб берилган;

Туроб Тўланинг «Етти зоғора қиссаси» таркибидаги «Дўнан» ҳикояси мисолида от ва инсоннинг дўстлиги, садоқати, вафоси Дўнан ва бола муносабатлари фонида асосланган;

инглиззабон ғарб ва ўзбек адабиётида яратилган от образига хос саботматонат, сезгирлик, ҳушёрлик эрк, озодлик, куч-қудрат, жасорат сингари умумбашарий жиҳатлар қиёсий-типологик аспектда бадиий парчалар орқали аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг қиёсий-типологик, герменевтик, аналитик, психологик ва комплекс таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти от образи генезиси масаласини ўрганишда, таржими ва аслият муносабатларини таҳлил этишда, мутаржим маҳоратига хос жиҳатларни ёритишда, қиёсий адабиётшуносликнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида «XX аср ўзбек адабиёти тарихи», «Таржима назарияси ва амалиёти» «Ҳозирги адабий жараён», «Жаҳон адабиёти тарихи» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиззабон Ғарб ва ўзбек адабиётида яратилган от образи талқини бўйича эришилган илмий натижалар асосида:

инглиззабон Ғарб ва ўзбек насрида от образи генезиси ва тадрижини ёритиш, от образи тасвирининг фольклор, мумтоз адабиёт ва замонавий насрда талқин этилишини чоғиштириш, аслият ва таржима хусусиятлари, адиб бадиий маҳорати ва ижодий индивидуаллик масалаларига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг ФА-Ф1-ОО5 рақамли 2017-2020 йилларга мўлжалланган «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 14 сентябрдаги 17.01/213-сон маълумотномаси). Натижада инглиззабон Ғарб ва ўзбек насрида яратилган от образининг келиб чиқиш асослари, рамзий-тимсолий маънолари, миллий хусусиятлари ва жиҳатларини очиб беришга эришилган;

Э.Сетон-Томпсон, А.Сювель, Т.Тўла, Т.Мурод сингари ёзувчилар асарларидаги отнинг умумбашарий жиҳатлари: садоқат, дўстлик, озодлик рамзи сифатида ифодаланиши, унинг инсонлаштирилишига оид натижалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Саккизинчи мўъжиза», «Адабиёт бўстонида» теледастурларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 27 ноябрдаги 1/310-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида эса ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллаштирилиб, илмий далилларга бой бўлишига, кўрсатувнинг илмий-оммабоплик хусусияти оширилган.

инглиззабон Ғарб ва ўзбек насридаги от образининг бадиий адабиётда инсонлаштирилиши, серфазилатлиги, мардлик тимсоли, бош қаҳрамонга содиқ дўст, йўлдаги йўлдош сингари маъноларининг таҳлил хулосаларидан Истанбул Тижарет Университети таълим жараёнида, яъни турк ҳамда чет эллик талабаларнинг жаҳон адиблари асарларида от образининг аҳамияти ҳақидаги билимларини бойитишда фойдаланилган (Истанбул Тижарет университетининг 2022 йилнинг 10 мартдаги ÖZ-056-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва хорижий романларига хос от образи хусусиятларнинг умумий таҳлили, жаҳонга машҳур мутахассисларнинг бу борадаги мулоҳаза ва хулосалари изоҳи талабаларнинг от образи талқини ҳақидаги назарий тушунчаларини бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 140 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Адабиётшуносликда от образининг ўрганилиши, унинг инглиз ва ўзбек фольклори ҳамда адабиётидаги генетик асослари»** деб номланган ва уч фаслдан таркиб топган. Дастлабки фаслда адабиётшуносликда от образига бағишланган тадқиқотларнинг назарий асослари ёритилган. Адабиёт ва санъатнинг яшаш шакли бадиий асар[8] бўлиб, унда воқелик образларда намоён бўлади. Бинобарин, ижодкор томонидан идрок этилган ҳаёт, унинг эстетик идеали, китобхонга етказмоқчи бўлган фикр-ғоялари шу тушунчада мужассам этилади. Жаҳон адабиётшунослигида образнинг реалистик, романтик, фантастик, символик сингари кўринишлари ажратилиши маълум. Шу қаторда реалистик ва рамзий моҳият касб этувчи от образи дунё адабиётида муҳим ўринга эга. Маълумки, бу образ генезиси, аввало, халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб туташади. Хусусан, қадимги мифологик қарашлар тизимида отга тотем сифатида қаралгани маълум. Чунки қадимги аждодларимиз от, ит, ҳўкиз, бўри, илон кабиларга эътиқод қилишган. Шу билан бирга бу эътиқодий қарашлар эртак, достон ва мақолларга ҳам таъсир ўтказган ва от бу каби жанрлардаги асарларда инсоннинг энг яқин дўсти, ҳам ташқи, ҳам ички гўзалликка эга образ, эрк ва куч-қудрат тимсоли сифатида талқин этила бошланган. Хусусан, фольклордаги машҳур Ғиркўк («Гўрўғли»), Бойчибор, Кўкдўнан («Алпомиш»), Жийронқуш («Равшан») каби миллат тимсолига айланган эпик образ отлар бу анъанавий образнинг илдизлари мустаҳкам эканлигини кўрсатиб туради. Жаҳон адабиётшунослиги ва тилшунослигида от образи талқинига оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. От образининг генезиси Ғарб ва Шарқ фольклори ҳамда ёзма адабиётига бориб туташади. Шу боис мазкур образ ҳақида дунё адабиётшунослигида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Булар қаторида В.Жирмунский, С.Д.Буркхарт, Р.Липец, Б.Угал, А.Чинор, Ф.Сумер, С.Келлер, В.Трифонова, О.Кучерова, Л.Стебиҳ[9] ишлари аҳамиятли. С.Д.Буркхарт эса Ж.Чоссернинг «Canterbury Tales» («Кентербери ҳикоялари») асарларидаги от образини ўрганган. Маълумки, ўрта асрларда отлар ҳақида йирик асарлар ёзилган ва улар куч-қудратга эга, ақлли жонзотлар сифатида талқин этилган. Ж.Чоссер «Кентербери эртаклари»ида ҳам отларни турли рамзий образларда кўрсатади[10]. Филолог олим С.Келлер Виктория даври ёзувчилари Ж.Эллиотнинг «Mill on the Floss» («Флосс тегирмони»), Томас Хардининг «Tess of the D'Urbervilles» («Дербервиллик Тесс»), Жорж Мурнинг «Ester Waters» («Эстер Воутерс»), Сер Артур Конан Дойлнинг «The Adventure of Silver Blaze» («Кумуш олов саргузашти») сингари асарларидаги от образини тадқиқ этган. В.Трифонова

[8] Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш.-Т.,2004. –Б.65.

[9] Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героической эпос. –М.:1947. –С.120-152. // https://soar.wichita.edu/bitstream/handle Липец Р. Образ батыра и его коня в тюрко–монгольком эпосах. –М.,1984. –С.124–127. // Баҳоуддин Ўгал. Турк мифологияси. –Анқара.1989. –Б. 220–223. // Али Аббос Чинор. Туркларда от ва отчилик. –Анқара.1993. // Фарук Сумер. Туркларда отчилик ва минувчилик. –Анқара.1989. https://soar.wichita.edu/bitstream/handle//www.proquest.com/openview// https://school-science.ru// https://repository.ffri.uniri.hr/islandora

[10] https://soar.wichita.edu/bitstream/handle

рус фольклоридаги от образи ҳақида фикр юритар экан, сўзнинг рус тилидаги луғавий маъноси, унинг нутқда ишлатилиш шакллари, фольклорда юзага келиш асосларини ёритиб берган. Олим М.Фасмер томонидан тузилган «Рус тилининг этимологик луғати»даги изоҳга таяниб, «от» сўзининг қадимги ***«кобн»,*** «***комн»***дан келиб чиққанлигини тасдиқлайди (кобыгла, комонь). Унинг фикрича, «от» сўзи туркий тилдан олинган ва эски рус тилига кириб келган. «Лошак» шакли «эшак» сўзи билан яқинлашиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган»[11]. Бунда «лошадь» сўзи «лошак» сўзи билан боғланган.

О.Кучерова тадқиқотлари рус адабиётида яратилган от образи талқинига бағишланган. У Гоголнинг «Тарас Бульба», Л.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», А.Чеховнинг «Соғинч», К.Паустовскийнинг «Иссиқ нон», Н.Некрасовнинг «Совуқ. Совқотган бурун» асарлари таҳлилга тортилган. Бу жиҳатдан олима В.Даль қарашларига асосланади: «От славянларда бирдамлик рамзи. У жуда меҳрибон»[6]. Р.Липец турк-мўғул халқлари достонларидаги от образини ўрганар экан, халқ эпосларида чавандоз ва унинг жанговар оти ўртасидаги узвий боғлиқлик борлигини, ақлли, фидойи ва гўзал ҳайвоннинг эпик қаҳрамон ҳаётида муҳим ўрин тутишини таъкидлайди. Бу муносабатларни тотемистик қарашларга боғлаб талқин этади[12]. Кўринадики, от образининг халқ достонларидаги асослари турк-мўғул халқларининг тотемистик қарашларига бориб тақалади. От ҳақидаги мақоллар Л.Стебиҳ[13] ишларида ёритилган. Лара Стебиҳ от ҳақида идиомаларни таҳлил ва тасниф этган. Ўзбек фольклоршунослигида от образи, унинг фольклорда шаклланиш асослари текширилган, шу билан бирга, анималистика йўналишидаги ишларда ҳам тадқиқ қилинган. Жумладан, профессор М.Саидов халқ достонлари мисолида эпик қолиплар анъанавий формулаларни ўрганиш фонида от образига эътибор қаратган. Булар қаторида фольклордаги от образининг шаклланиш асослар Ҳ.Зарифов, В.М.Жирмунский, Б.Путилов, К.Имомов, Ғ.Жалолов, М.Саидов, Б.Саримсоқов, С.Рўзимбоев, А.Мусақулов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Т.Ҳайдаров, М.Мирзаева, Ж.Эшонқулов[14]ларнинг тадқиқотлари аҳамиятли. Бу жиҳатдан Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев, М.Саидов ишларига муносабат билдирилган. Бу ишларда жанговар отга муносабат, достонлардаги от образининг тарихий-мифологик ҳамда ҳаётий асослари Ғиркўк ва Бойчибор мисолида ёритиб берилган. Бу йўналишдаги янги тадқиқотлар қаторида В.Атаханова, А.Тилавов, Ш.Ашурова ишларига муносабат билдирилган. А.Тилавов ўзбек халқ достонларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини масаласи ёритилган[15]. Жаҳон ва ўзбек адабиётида яратилган от образи билан боғлиқ кузатишлар Ш.Ашурова изланишларида анималистика жанри хусусиятлари очиб берилган. Унинг фикрича: «XVIII

[11] https://school-science.ru/2/10/30772
[12] Липец Р. Образ батыра и его коня в тюрко-монгольком эпосах. –М.,1984. –С.124.
[13] file:///C:/Users/user/Downloads/stebih_l_
[14] Эшонқулов Ж. Фольклор:Образ ва талқин. –Қарши., 1999. –Б.3.
[15] Тилавов А. Ўзбек халқ достонларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини.ном.дисс. –Т.2000.

асрда инглиз адиби Жонатан Свифт (1667-1745) ўзининг «Гулливернинг саёҳатлари» («Gulliver’s Travels», 1726)ни яратди ва анималистик адабиётга «иппик» (юнонча hippos – «от» сўзидан) жанрни олиб кирди. Ж.Свифт ушбу сатирик асарида замондошларининг нуқсонларини фош этар экан, жирканч *ехуларга* олижаноб отлар – *гуигнгнм*ларни қарши қўйди»[16]. Бобнинг иккинчи фасли «Инглиз фольклори ва Уйғониш даври адабиётида яратилган от образи генезиси» деб номланган. Унда образнинг шаклланиш асослари: 1. Инглиззабон Ғарб фольклори. 2. Рус фольклори намуналари. 3. Антик адабиёт. 4. Уйғониш даври инглиз адабиёти тарзида тасниф этилган. Бунда қадимги инглиз афсоналарида Артур исмли таниқли қиролнинг Ламрей, Ҳенгроен, Спумадор каби отлар ҳақида фикр юритилган. Уларнинг ташқи кўриниши гўзаллиги, инсонга дўстлиги катта қудрат эгаси сифатидаги фазилатлари таҳлил этилган. Шу билан бирга христианларнинг «Инжил» китобида акс этган яккашохлар моҳияти очиб берилган. «От ва буғу», «От ва эшак» сингари масалларда отнинг маъжозий маънолари ёритилган. Инглиз мақоллари ва идиомаларида эса бу ҳайвоннинг характер хусусияти, унинг ҳар қандай бойликдан устунлиги таъкидланган. Рус фольклори намуналарида акс этган рус халқ қаҳрамони Иля Муромецнинг сеҳрли оти Барушка-Матушка, буюк Искандар – Александр Македонскийнинг оти Бусепҳалус ёки Бучепҳаласнинг вазифалари ёритиб берилган. Уйғониш даври инглиз адабиётида яратилган от образи Уильям Шекспир ижоди мисолида далилланган. Унинг сонетларида учқур от орзуга эришиш воситаси ва «Генрих V» пьесасида эса ўша давр инглиз жамиятида отнинг энг қимматбаҳо совға сифатида талқин этилган. Бобнинг «Ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётида яратилган от образининг тадрижи» деб сарлавҳаланган фаслида образ тадрижи икки босқичда кўрсатиб берилган: *1. Ўзбек халқ оғзаки ижодида от образи.* Археологик қазишмалар даврида ярми от ва ярми одам шаклидаги тасвирий асарларнинг топилиши, қадимий тотемистик қарашлар, от культларига таяниб, отнинг эпик қаҳрамон ҳаётида муҳим ўрин тутиши «Алпомиш» достонидаги Бойчибор, «Равшан» достонидаги Жийронқуш ва Ғиркўк билан боғлиқ тасвирлар орқали асослаб берилган. Шу жиҳатдан достонлардаги отлар образининг нафақат куч-қудрат ҳамда ақл-идрок тимсоли, балки ҳақиқий дўст сифатида ҳам гавдаланиши, учқурлиги, эпик қаҳрамоннинг энг қийин дамлардаги дарддоши эканлиги ёритилган. Ўзбек халқ аллаларида фарзанд «қулуним», «қулунтойим» дея эркалатилиши ёки халқ эртакларида ҳам от образи муҳим ўрин тутиши «Зумрад ва Қиммат» мисолида далилланган. Бунда отнинг қаҳрамонни узоқни яқин қилувчилик мўъжизакор хислати ифода этилган. «Яхши от ёд қолдирар, Ёмон от лат қолдирар», «Яхши от жонга шерик, Ёмон от – молга», «Яхши от – кўпники»,

[16]Ашурова Ш.А. Инглиззабон Ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётида анималистика жанри хусусиятлари (Э.Сетон-Томпсон ва Н.Норқобилов ижоди мисолида). Филология фанлари бўйича фалс. докт. дисс. –Т., 2020. –Б.19.

«От – йигитнинг йўлдоши», «От – йигитнинг қаноти»[17] сингари ўзбек халқ мақолларида ҳам отнинг мардлик тимсоли, инсон орзуларини руёбга чиқарувчи ҳайвон эканлиги, меҳрибонлиги, ризқи улуғлиги, кўпга хизмат қилиши сингари фазилатлари улуғланганлиги асосланган. 2. *Ўзбек мумтоз адабиётидаги от образи* ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, Н.Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий», Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи Сайёр» достонлари мисолида фикрлар далилланган. Муқаддас «Қуръони Карим»даги «Анфол», «Вал-одиёт» сураларидаги отларнинг гўзаллиги, учқурлиги ҳақидаги Аллоҳ каломлари таҳлил этилган. Шу билан бирга Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммадий» асарида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) меърож кечасида минган Бурoқ отининг мўъжизавий қудратга эга бўлган эканлиги асосланган. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Ширинниng тулпори Гулгун замонасининг энг гўзал ва мафтункор арғумоғи дея, «хинги бодрой» – «шамолдан ҳам тез елувчи бўз от» дея тасвирланган:

Бор эрди бодройи ранги Гулгун,
Қолиб андин юрурда хинги гардун.
Анга бокиб ҳамиша ул Париваш,
Бўлуб ул девпайкар ҳам Парикаш.[18].

«Сабъаи Сайёр» достонида эса шоҳ Баҳромга сешанба куни тўртинчи иқлимдан келган савдогар айтиб берган «Шайх Жўна ва Масъуд» ҳикоя сўнгида ночорлик ва айриликдан ҳушини, ақлини йўқотиб, тентираб юрган Масъуд ўзининг Гулгун тулпорини кўриб, ҳушёр тортганлиги билан боғлиқ таҳлиллар орқали ойдинлаштирилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Инглиз насрида от образи талқини»** тарзида номланган ва икки фаслдан иборат. Дастлабки фасл «Эрнест Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрға» асаридаги отнинг инсонлаштирилиши» деб сарлавҳаланган. Маълумки, ҳайвонлар орасида бадиий адабиётда образлантирилганлиги отдир. Чунки бу ҳайвон биринчидан, ташқи гўзаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу йилқишуносликда «экстерьер» термини билан аталади. Экстерьер французча сўз бўлиб, аввало, архитектура билан боғлиқ сўзни билдирса, иккинчидан, ҳайвонларнинг тана тузилишини англатади[19]. Қолаверса, от инсон руҳиятига яқин, ақлли, сезгир, зийрак, учқур жонзотдир. Турли халқлар фольклори ва ёзма адабиётида от эпик қаҳрамоннинг дўсти, қийин дамлардаги ёрдамчиси сифатида муҳим ўрин тутади. Зеро, унинг ташқи гўзаллиги, бир қатор фазилатлари умуминсоний мазмунга эга. Сетон-Томпсон ижодининг чўққиси бўлган бу асар ёввойи йўрға – отга бағишланганлиги билан эътиборни тортади. Адиб ёввойи йўрғани эрк ва озодлик тимсоли даражасига кўтаради. Бинобарин, от табиатан эркинликка интиладиган ва бу йўлда ҳеч қандай қийинчиликлардан

[17]https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/uzbek-xalq-ogzaki-ijodi/uzbek-xalq-maqollari/hayvonlar-va-qushlar-haqida-maqollar (кейинги мақоллар ҳам шу манбадан олинади)
[18] Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б.114
[19] https://ru.wikipedia.org/wiki

қайтмайди. «Ўша қора тойчоқ адл оёқли, кенг сағринли от бўпти... Ғарбда ёввойи отларга ҳеч ким эътибор бермайди. Аввало, уни ушлаш осон эмас, борди-ю, ушлаган тақдирда ҳам ёввойи от умрининг охиригача саркаш, бесамар, ёввойилигича қолади»[20]. Юқоридаги от тасвирида шарқона руҳ бор. Шу жиҳатдан ўзбек халқ достонларидаги лавҳаларни ёдга солади:

Миниб кўрсанг, ака, кўнглинг тўлади,
Сенинг отинг жуда белдор тўлади[21].

Ҳар иккала асарда отнинг бақувватлиги ҳақида фикр юритилган. С.Томпсон уни «адл оёқли, кенг сағринли» деб таърифлайдики, бунда шарқона тасвир бор. Шу билан бирга саркашлик, шиддат нафақат ёввойи, балки умуман отларга хос хусусиятдир. Асарнинг «Алпомиш» достони билан муштараклик жиҳати шу жиҳатларда кўзга ташланади. Яъни Бойчиборнинг белдорлиги ва ёввойи йўрғанинг «адл оёқли, кенг сағринли» от эканлиги орасида моҳиятан яқинлик бор. Бу отларнинг куч-қудратини намоён этиб туради.

«Қоп-қора ёлли, кўк кўз улкан қора от бутун ўлка бўйлаб зўравонларча кун кечирди, турли-туман жойлардан байтал ҳайдаб келиб, ўз сафини кучайтирди, галасини кам деганда йигирма бошга етказди»[22]. Инглизлар наздидаги мукаммал ташқи кўриниш эга бўлган от – қадди-қомати келишган, оқ сариқдан келган, кўзи кўк ҳайвондир. Шунинг учун адиб ёввойи йўрғани «қоп-қора ёлли, кўккўз улкан қора от» тарзида тасвирлайди, бу айни вақтда, портретга чизгилардир. Ўзбек достонларида ҳам отлар қора кўзли, қўй кўзли шунингдек қуралай, оҳу, шаҳло кўзли сингари сифатлашларда берилади. Бу, аввало, отнинг ташқи гўзаллиги унинг қуралай кўзи билан боғлиқ эканлигини билдириб туради. Жумладан, «Алпомиш» достонидаги қуйидаги мисралар ҳам фикримизни тасдиқлаб туради:

Кўзи қуралайдай бўлиб,
Кўрганларнинг кўнгли тўлиб…[23]

«Айғир галанинг гоҳ у, гоҳ бу ёнидан чопиб, байталлар кейинда қолиб кетмаслигини назорат қилди. Йўрға кўздан ғойиб бўлгунча ундан кўз узмадим, унинг йўрға оёқлари бирон мартаям чалкашмади»[24]. Элни бошқариш аниқ мақсадли сардорларга хосдир. Улар энг юксак маррани кўзлаб, самарали йўлни танлаб, халқни шу йўлдан бошлайди. Гарчи, уни четдан кузатиб турувчилар, хато қилишини кутувчилар, ҳатто оёғидан чалиб йиқитиш орзусида яшовчилар кўп бўлса-да, бу йўлда у ҳеч қачон чалкашмайди, йўлидан адашмайди. Асар муаллифи йўлбошчиларнинг айнан шу хусусиятини от тасвирида ёритиб берган. Бобнинг иккинчи фасли «Анна

[20]Томпсон Э. Ёввойи йўрға жониворлар ҳақида ҳикоялар. (Т.Мурод таржимаси). –Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1989. –Б. 51.
[21] Alpomish. O`zbek xalq qahramonlik dostoni. –T.: Sharq, 2010. –B.80.
[22] Томпсон Э. Ёввойи йўрға жониворлар ҳақида ҳикоялар. (Т.Мурод таржимаси). –Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1989. –Б. 52.
[23] Alpomish. O`zbek xalq qahramonlik dostoni. –T.: Sharq, 2010. –B.60.
[24] Томпсон Э. Ёввойи йўрға жониворлар ҳақида ҳикоялар. (Т.Мурод таржимаси). –Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1989. –Б. 53.

Сювелнинг «Қора тулпор» асарида от орқали умуминсоний хусусиятларнинг ифода этилиши» тарзида номланган. Унда илк марта инглиз адибаси Анна Сювелнинг «Қора тулпор» романи илмий муомалага олиб кирилган. Жаҳон адабиётида отга бағишланган махсус асарлар бор. Бинобарин, Мигел де Сервантеснинг «Дон Кихот», Эрнест Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрға», Лев Толстойнинг «Холстомер» сингари асарлари қаторини Анна Сювелнинг «Қора тулпор» романи ҳам тўлдириб туради. Бу асарнинг характерли хусусияти, унда адиба Ғарбу Шарқни бирлаштирган ва умумбашарий моҳият касб этган от образини яратган. «Қора тулпор» романида адиба от образи орқали Ғарб ва Шарққа хос хусусиятларни уйғун ифода этган. (Мазкур асар ўзбек тилига ўгирилмаган. Таҳлиллардан ўрин олган мисоллар таржимаси муаллифга тегишли. Н.О.)

«The next unpleasant business was putting on the iron shoes; that too was very hard at first. The blacksmith took my in his hand, one after the other, and cut away some of the hoof. Then he took a piece of iron the shape of my foot, clapped it on, and drove some nails through the shoe quite into my hoof, so that the shoe was firmly held. My feet were very stiff and heavy, but in time I got used to it»[25]. («Навбатдаги ёқимсиз вазифа бу темир тақа қоқишдир; дастлаб жуда қийналдим. Темирчи бирин-кетин туёғимдан ушлаб, туёқнинг бир қисмини кесиб ташлади. Кейин у туёғим шаклидаги темир бўлакни олди, уни қоқиб қўйди ва туёғимга михлаб қўйди, шунда тақа маҳкам турди. Оёқларим жуда қаттиқ ва оғир эди, лекин вақт ўтиши билан мен бунга кўникдим»). Юқоридаги лавҳада Дарки исмли отнинг тутқунлик давридаги илк қийинчиликлари тасвирланган. Буни унинг оёғига қоқилган тақа исботлаб туради. Чунки бу ҳолат озодлиги ўз қўлида бўлган от учун бегонадир. Шунинг учун от дастлаб жуда қийналади, лекин вақт ўтиб кўникади. Шунга яқин тасвирни «Алпомиш» халқ достонидаги Бойчибор мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Бойчиборга қалмоқ зулм қилади.
Тўқсон ботмон чўян ғулни келтириб,
Бойчиборнинг бу бўйнига солади,
Олтмиш ботмон энди темирни йиғиб,
Оёғига бул парчинлаб уради.
Ётолмай, туролмай ҳайвон қолади,
Энди қалмоқ қўзғалмасдай қилади.
Шул азобни энди Чибор кўради,
Ҳайвонзод-да, нима қилса кўнади.....[26]

Юқоридаги парчада Алпомишнинг оти Бойчиборнинг пойгадаги ҳолати акс эттирилган. Етти алпнинг каттаси Кўкалдош ўз оти Кўкдўнаннинг пойгада ғолиб бўлиши учун Бойчиборнинг оёғига мих қоқтиради. Натижада у юролмай қолади. Даркининг ҳам туёғига қочиб кетмаслиги учун темир

[25] Sewell A. Black Beauty. Global Grey.2021. –P.17 (кейинги мисоллар шу китобдан олинади ва қавс ичида бети кўрсатилади).
[26]Alpomish. O`zbek xalq qahramonlik dostoni. –T.: Sharq, 2010. –B.229.

қоқиб қўйилади. Бу икки от ҳолатида шу жиҳатдан ўхшашлик мавжуд. Булардан бири озодликка интилса, иккинчиси ғалаба қозониш учун ҳаракат қилади. Бунда мих ва темир детали эпик қаҳрамон учун тўсиқ вазифасини ўтайди. Иккинчи муштараклик, ҳар иккала от ҳам шу оғриқларга чидайди, қийинчиликларни енгишга интилади.

«I like to toss my head about, and hold it as high as any horse; but you can fancy how it would feel if you tossed your head up high and were obliged to hold it there for hours together, not able to move it at all, except with a jerk still higher; and all this time your neck was aching till you did not know how to bear it»[27]. («Барча отлар каби мен ҳам бошимни баланд кўтаришни ёқтираман, бироқ агар сиз бошингизни баланд мажбурий тўрт соат умуман қимирлатмасдан тик тутсангиз ва шу ораликда бўйнингизда кучли оғриқ бўлса, сиз ўзингизни қандай ҳис қилган бўлардингиз?! Бунга бардош бериш нақадар мушкулдир"). Ҳайвонлар ичида от сабот-матонатли ҳисобланади. Бу хусусият инсонга хос. Шу жиҳатдан адиб отга шу хусусиятни сингдирмоқда.

«We horses can see much better in the dark than men can, and many an accident would never happened if horses might have had the full use of their eyes»[28]. («Биз отларнинг кўзлари қоронғуликда инсон кўзларидан кўра яхшироқ кўради, агар отлар кўзларининг бор кучини ишга солса, ҳеч бир нохуш ҳодиса рўй бермайди»). Юқоридаги бадиий лавҳада отларнинг кўриш қобилиятининг ўткирлигига эътибор қаратилар экан, шу орқали бу ҳайвоннинг ниҳоятда сезгир ва ҳушёрлиги таъкидланган. Бунда ҳам отнинг ҳамиша олдинга интилиши ўз ифодасини топган. Қолаверса, унинг фикр-кечинмалари инсоннинг шундай ҳолатини ёдимизга солади.

Тадқиқотнинг **«Замонавий ўзбек насрида яратилган от образининг рамзий маънолари ва миллий жиҳатлари»** деб номланган учинчи боби икки фаслни ўз ичига олади. Бобнинг «XX аср ўзбек адабиётида от образи талқини ва унинг Тоғай Мурод ижодидаги рамзий маънолари» тарзида аталган биринчи фаслида XX аср адабиётида отга бағишланган асарлар назардан ўтказилади. Бинобарин, от ҳақидаги асарларнинг чўққиси бўлган Ч.Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» қиссаси таҳлил этилган. Тўрғай отни шундай таърифлайди: «Гўзал қизлар каби яхши йўрғанинг ҳам хуштори кўп бўлади. Қиз тақдири шундайки, яхши одамга тушса, очилиб кетади, кўз кўриб қувонади, бирон ахмоқнинг қўлига тушса, қизни кўриб хафа бўлиб кетасан. Ёрдам ҳам бера олмайсан. Яхши от ҳам шундай бўлади. Нобуд қилиб қўйиш ҳеч гап эмас уни. Пойгада қоқилиб йиқилади»[29]. Бунда яхши йўрға ва гўзал қиз пареллел қўйилади. Яъни отнинг эгаси қандай бўлиши муҳим бўлганидай, қизнинг ҳам қандай йигитга турмушга чиқиши шундай муҳим. Демак, отнинг гуркираб ўсиши эгасига ва қизнинг кундан кунга яшнаб чирой очиши турмуш ўртоғига боғлиқ. Шу жиҳатдан Танабой Гулсарини кўз қорачиғидай асрайди, уни яхши парваришлайди. Натижада

[27] Sewell A. Black Beauty. Global Grey.2021. –P.30.
[28] Sewell A. Black Beauty. Global Grey.2021. –P.39.
[29] Aytmatov Ch. Tanlangan asarlar: qissalar.T.: "Sharq", 2016.- B.335.

Гулсари саман отга айланади. «Бир ярим яшарли калта думли, пахмоқ тойчадан келишган, бақувват айғирга айланиб бораётганди. Унинг бўйи ўсди, танаси юмшоқ тарҳларини йўқотиб, учбурчак шаклга кира бошлаганди. Кўкраги кенг, орқаси ингичка эди. Калласи ҳам йўрға отларникидек озғин, пешонаси дўнг, кўзларининг оралиги кенг, лаблари йиғиқ ва таранг эди. Аммо унинг чопишдан бошқа иши йўқ бўлиб, шу сабабли ҳам хўжайинига кўп ташвиш орттирарди. Ўз тенгдошларини орқасидан эргаштириб, буларнинг орасида учар юлдуздек чопиб юрарди ….»[30]. Юқоридаги бадиий лавҳада Гулсари портретига чизгилар берилади. Унинг «калта думли тойчоқдан келишган, бақувват айғирга айланиб» бориши, бўйининг баландлиги, кўкрагининг кенглиги, пешонасининг дўнглиги сингари белгилар буни тасдиқлаб туради. Адиб Гулсарини учар юлдузга қиёслайди. Асарда ёзувчи Гулсарини инсонлаштиради, унинг бош қаҳрамоннинг яқин кишиси янглиғ тасвирлайди. ХХ аср ўзбек адабиётида от образи яратилган асарлар ўзига хос бадиий тизимни ташкил этади. Ўтган аср тонгида яратилган Абдулла Қодирийнинг «Улоқда» ҳикояси бу жиҳатдан аҳамиятли. Миллий манзараларга бой бу асар халқимизнинг  кўп асрлик урф-одат ва анъаналарининг асосида бўлиб келган кўпкари – от чоптириш маросимига бағишланган. Унда бош қаҳрамон ва ҳикоячи Турғуннинг отга бўлган меҳри-садоқати улуғланган. Шу билан бирга 30-йилларда ёзилган Элбекнинг «От ила одам» масали рамзий-мажозий мазмуни билан ажралиб туради. Қолаверса, ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек насрида Ш.Холмирзаевнинг «Отнинг эгаси», Т.Муроднинг «От кишнаган оқшом», Т.Тўланинг «Етти зоғора қиссаси» сингари ҳикоя ва қиссаларда ҳам от образи руҳий манзаралар орқали реалистик услубда очиб берилган. Элбекнинг «От ила одам» масали ижтимоий мазмуни, рамзий маънолари билан эътиборни тортади. Унда от, ҳўкиз ва одам образлари яратилган. Асар эркинликда яшаётган от тасвири билан бошланади:

Кенг ўтлоқли улуғ бир тоғ ёқасида,
Кўм-кўк бўлиб ўскан ўтлар орасида
Кўб вақтдан бери бир от ўйнаб юрар эди,
Эркинликда ёлғиз ўйнаб юрар эди[31]

Бунда адиб эрк мавзусини ифода этган. Унда от образи муҳим ўрин тутади. Эркин яшаётган от ҳўкиз келиши билан тинчини йўқотади. Аслида у билан аҳил, баҳамжиҳат яшаши мумкин эди. Бироқ нафси туфайли ҳўкиздан қутулиш йўлларини излайди. Бунга эришади ҳам, лекин ўзи тутқун бўлиб қолади. Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссаси мазмун-моҳияти жиҳатидан Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» асарига яқин. Танабой ва Зиёдулла кал, Гулсари ва Тарлон руҳий-маънавий жиҳатдан уйғун, муштарак образлардир. Чингиз Айтматов ўзи яратган от образини чавандоз мисол тасвир этган бўлса, Тоғай Мурод 40 кун давомида чавандозлар билан

[30] Aytmatov Ch. Tanlangan asarlar: qissalar.T.: “Sharq”, 2016.- B.338.
[31] Элбек.Танланган асарлар. –Тошкент: Шарқ, 1999. –Б.131.

яшаган. Асарда тўпори, чапани ўзбек чавандози образи Зиёдулла кал тимсолида намоён бўлган. Зиёдулла кал отларнинг «тили»ни, характерини тушунади: «Биродарлар, от аззанча хосиятли бўлса-да, аззанча фаҳм-фаросатли бўлса-да, аззанча хушсуврат бўлса-да, барибир, от, ўз оти билан от! Тўрт оёқли жонивор! Думли ҳайвон!»[32] Эътибор берилса, бу лавҳадан отнинг ташқи кўриниши, характерига кўра хосиятли, фаҳм-фаросатли эканлигини англаш мумкин. Бироқ унинг тўрт оёқли жонивор ҳайвон эканлигини ҳам назардан қочирмайди. «Галани айланиб юрдим. Бир бўзга кўзим тушди. Шуни ушладим. Тишларини кўрдим. Ёши еттида бўлса-да, ҳали озиқли тиши чиқмабди. Аслида, беш ёшида чиқади. Демак, энди чиқмайди. Озиқ тишсиз от хосиятли бўлади. Биродарлар, асов отни тақа тўхтади. От битди – қанот битди.

Биродарлар, машина деганлари темир! Жони йўқ! Жони йўқ темир одамга эл бўлмайди. Темирнинг юраги йўқ-да! От одамга эл бўлади. Боиси, отнинг жони бор, юраги бор-да!»[33]. Эътибор берилса, бунда отга оид халқ қарашлари акс этган. Яъни отнинг ёшини тишига қараб аниқлаш, озиқ тиши чиқмаган отнинг хосиятли бўлиши сингари ҳолатлар буни тасдиқлаб туради. Ёзувчи от ҳақидаги халқ мақолини бадиий матнга олиб киради. Бинобарин, «От битди – қанот битди» мақоли орқали отнинг инсон учун улов воситаси бажаришига ишора қилади. Қолаверса, адиб отни енгил машина билан қиёслайди ва «жони йўқ темир одамга эл бўлмайди» деган хулосага келади. Шу ўринда адиб отни инсонлаштиради. Унинг машинадан фарқи шундаки, унинг уриб турган юраги бор. Шу боис от ҳам инсон каби фикрлайди, изтироб чекади ва ҳоказо. Ёзувчи отнинг афзаллигини шунда кўради. Қолаверса, асарда отларнинг инсон ҳаётининг муайян бўлагига айланганлиги бадиий ифода топган. Зиёдулланинг онаси от сотиб олишидан норози эди: «Зиёдулла чавандоз: Онамиз норози бўлди. Бети буришиб-буришиб оғринди. Лабини буриб минғиллади:

– Отим нимам … отдан машина яхши…» – деди.

– Машинам нимам? Оти борнинг қаноти бор, – дедим.

– Отга емиш қани …

– Емиш? Худо ҳар жониворни ўз ризқи-рўзи билан яратади. От битди – қанот битди. Емиш топилади»[34]. Бу норозиликларга қарамай, Зиёдулла кал от сотиб олади. Чунки унинг аъмолида: «Машинага гапириб бўлмайди, дардиҳол қилиб бўлмайди, инсон ҳисларини тушунмайди, отлар эса инсоният ҳисларини забонсиз, кўзларидан англайди. Уларга ҳеч нарсани тушунтиришни ҳам кераги йўқ. Отлар инсонни ҳис қилади». Отда меҳр бор. Бу жиҳатдан у инсонга ўхшайди. Гарчанд инсон табиатнинг мукаммал шоҳ асари бўлмасин, у тубанликда ҳам ягона. Бўрию арслонлар қанчалик ваҳший, ёввойи бўлмасин, бир-бирини емайди. Одамлар эса қисқа умрда бир

[32] Мурод Т. Ot kishnagan oqshom. T.Sano-standart. 2017. –Б.15. (Кейинги мисоллар шу китобдан олинади ва қавс ичида бети кўрсатилади)
[33] Мурод Т. Ot kishnagan oqshom. T.Sano-standart. 2017. –Б.14.
[34] Мурод Т. Ot kishnagan oqshom. T.Sano-standart. 2017. –Б.14.

бирини «ейишгача» боради. Шу маънода отлар она табиатнинг инсонга ҳадя этган энг бебаҳо инъомидир. «От кишнаган оқшом» қиссаси мағзига мана шу эзгу ғоялар сингдирилган. Асарнинг миллий руҳини кучайтириш, отларнинг ҳаётимиздаги ўрнини очиб бериш мақсадида адиб достонлардан, қўшиқлардан мисол келтирган. Адибнинг от хиллари ҳақидаги қарашлари ҳам илмий асосга эга: «Бурноч от пешонасида қашқаси, бурни учида оласи бўлади. Бутлари-да ола бўлади. Бурноч отнинг хили кўп бўлади. Кўк бурноч, қора бурноч, тўриқ бурноч, жийрон бурноч! Саман от бўлса, сариқ ёллари, думлари қора бўлади. Ёл-қуйруғи оқлари-да бўлади»[35]. Бу кузатишлар ҳаётий мазмунга эга. Чунки адиб отлар билан яшаган, уларнинг хулқ-атвори, анатомияси ва морфологиясини ўрганади. Юқоридаги бурноч отлари ҳақидаги кузатишлар фикримизни тасдиқлаб туради. Бобнинг кейинги фасли «Туроб Тўланинг «Етти зоғора қиссаси»да от талқинига хос миллий хусусиятлар ифодаси» деб номланган. Унда асардаги миллий хусусиятлар ифодаси А.Қодирийнинг «Улоқда», Ш.Холмирзаевнинг «От эгаси» ҳикояси билан қиёслаш асосида очиб берилган. Туроб Тўланинг «Етти зоғора қиссаси» таркибидаги «Дўнан» ҳикоясида ҳам от ва инсоннинг дўстлиги, отнинг инсонга садоқати, вафоси ифода этилган. Асарда персонаж нутқи муҳим ўрин тутади ва сюжет чизиғини, воқеалар тизимини юзага келтиради, ҳаракатлантиради. Ундаги ҳикоячи – бола ҳисобланади. Бу жиҳатдан А.Қодирийнинг «Улоқда» ҳикоясига уйғун. Ҳикоячи Дўнан билан унинг туғилишиданоқ бирга бўлган. Унинг доимий ҳамроҳи, йўлдошига айланган. Айтиш жоизки, Дўнанга ўз онасидан-да кўпроқ меҳр берган. Буни ҳикоячининг ўзи шундай тасвирлайди: «Бақавли ўртоғим эди, бирга ўсдик, уни онасининг тагидан бувам билан иккаламиз бирга қабул қилиб олганмиз. Онасининг қорнидан тушибоқ дингиллаб менга қараган, бўйнини бўйнимга солган, ингичка-ингичка оёқлари титраб турарди. Оёқларининг тўпиғида оласи бор эди, пешанасида қашқаси. Кўзлари катта-катта, кийикникига ўхшаган чиройли»[36]. Эътибор берилса, бунда асар қаҳрамони тойчоқни болалигидан бирга ўсган ўртоғига тенглаштиради. Бу яқинлик тойчоқ туғилган кундан бошланган. Яъни тойчоқ туғилибоқ учратгани биринчи одам шу бола бўлган. Унга нисбатан илиқликни туйиб: «бўйнига бўйнини солиб» олган. Шу билан бирга юқоридаги лавҳада тойчоқнинг портрети ҳам чизилган: оёқларининг тўпиғида оласи борлиги, пешонасининг қашқалиги, кўзларининг катта-катта бўлиб, кийикникига ўхшаши сингари тасвирлар буни асослаб туради. Бола ҳам чиройли тойчоққа биринчи кундан меҳр қўяди. Шунинг учун бобоси жажжи тойчоқни неварасига совға қилади. Шу кундан бошлаб бола уни парваришлай бошлайди: «...катта бўлганида ҳам мен боқдим, мендан бошқадан ем емасди, сувга ҳам мени ундарди, бирга борардик ўрта ариққа, ўрта ариқдан сув ичмай туриб оларди, Тошлоққа борардик, Тошлоқдан ичарди, эринмасдан чўмилтирардим, узоқ ювардим.

[35] Мурод Т. Ot kishnagan oqshom. T.Sano-standart. 2017. –Б.32.
[36] https://fayllar.org/turob-tola-19181990.html

Бувам бир куни уни жамбил билан ювдилар. Шундай бурқираб, хушбўй тарқатиб юрдики, бир неча ҳафта уйимиз жамбил ҳидига тўлиб турди. Мен ҳам шундай қиладиган бўлдим, жамбил териб келардим-да, бувамга ўхшаб булоқ суви билан ювардим. Фақат мен минардим уни»[37]. Бола тойчоққа катта бўлгунча ўзи қарайди: ем беради, суғоради, чўмилтиради. Тойчоқ ҳам болага жуда ўрганиб қолади: бошқа кишининг қўлидан ем ҳам емайди, сув ҳам ичмайди. Бу каби тасвирлар орқали ҳайвон ҳам меҳрни ҳис қилиши, инсонга яқинлигини англаш мумкин бўлади: «Жуда югурик чиқди, чавандозлар кўзмунчоқ тақиб қўй дейишди, кўзмунчоқ тақиб қўйдим, кўз тегмасин деб. Кўпкариларда минардим, аралашмасдим-у, узоқ-узоқларда кўпкаричилар орқасидан чопардим. У шу қадар қувониб юрардики, бошини қўйиб юборсам, етиб олиши ҳеч гап эмасди. Ўроқ маҳали ўроққа ҳам бирга чиқардик, гўжа, айрон олиб чиқардик ўроқчиларга»[38]. Тойчоқ вақт ўтган сари кўзга яқин бўлиб, учқурлиги, чаққонлигини намоён эта боради. Натижада бола уни кўпкари маросимига олиб чиқа бошлайди. Шу ўринда адиб бола ва тойчоқнинг руҳан яқинлигини ҳам ҳаётий тасвирлайди. Яъни тойчоқнинг кўпкаричиларнинг ортидан чопиши, шундай вақтларда қувониб кетиши, бу унинг ҳаракатларида акс этиши кабиларда кўзга ташланади. «Ўзим ғарам соясида, ғир-ғир шабадада маст бўлиб ётдим, нафас ўтмай ухлаб қолибман. Бир маҳал уйғонсам, офтоб оғиб қолган, Дўнанбой, машоқ қаёқда, ўша турган жойида ҳали ҳам  бир хил ҳолатда турипти. Ҳайрон бўлиб ўрнимдан турдим, бир  нарса демоқчидай бошини баланд кўтариб кишнади, фақат орқа оёқлари билан тепкиланади-ю, олдинги оёқларини ердан узмайди. Югуриб олдига бордим, бордим-у оёқлари остига қараб қотиб қолдим, олдинги чап оёғига қоп-қора, чипор чўл илон ўралиб  ётибди, ўнг оёғи эса унинг бошини мажақлаганча эзиб  турипти. Бориб оёқларидан мажақланган илоннинг ўровини ечиб  ташладим, шундагина ўнг оёғини унинг бошидан олди»[39]. Бунда отнинг сезгирлиги ва ҳушёрлиги ҳаётий тасвир этилган. Дўнан эгасига келаётган хавфни олдиндан сезади. Машоқ терилаётган вақтда илонни кўради ва эгасига яқинлашаётганини билган ва ғарчча босган. Буни асарда келтирилган машоқ териб ухлаб қолган болага илон яқинлашаётганлигини кўрган дўнаннинг илонни босиб неча соатлаб бир жойда тек тургани ҳам тасдиқлайди. Айнан шунга яқин воқелик талқини Ш.Холмирзаевнинг «Отнинг эгаси» ҳикоясида ҳам кузатилади: «Икки бор анави сойни сел суви босганда, эгасини олиб чиққан, тўрт йилдан буён кўпкариларда улоқни муттасил шу айириб чиқар». Иноднинг оти ҳам эгасига қийин дамларида кўмакчи бўлади, уни турли хавфлардан асраб қолади. Икки асардаги яна бир муштарак жиҳат шундаки, Инод ҳам, Бахшулла ҳам отини жуда яхши кўради, бу ҳайвонсиз улар ўз ҳаётларини тасаввур этолмайдилар. Ёзувчининг мақсади – отнинг инсонга садоқати, вафоси, дўстлиги, меҳри – жамики туйғуларини акс эттиришдан иборат. Бунда адиб муболағавий тасвирлардан

[37] https://fayllar.org/turob-tola-19181990.html
[38] https://fayllar.org/turob-tola-19181990.html
[39] https://fayllar.org/turob-tola-19181990.html

фойдаланган бўлса-да, ҳар бир персонаж ва от ҳолати жуда ишонарли ва таъсирли чиққан. Адиб айтмоқчики, от ҳам инсон каби уни яхши кўрганчалик инсонга меҳр қўяди, от инсонни ундан кам севмайди.

## ХУЛОСА

Инглиззабон ғарб ва ўзбек адабиёти тараққиёти назардан ўтказилса, от ҳақида эпик ва лирик турдаги жанрларда асарлар яратилганлиги кузатилади. Бу жараён, айниқса, насрий асарларда етакчилик қилади.

Биринчидан, жаҳон адабиётшунослигида от образи инглиз олимлари С.Д.Буркхарт, С.Келлер тадқиқотларида акс этган. Жумладан, С.Д.Буркхарт Ж.Чоссернинг «Кентербери эртаклари»ни таҳлили орқали отларни куч-қудратга эга, ақлли жонзотлар сифатида талқин этади. С.Келлер эса отни эҳтиросли муҳаббат рамзи сифатида талқин этади. Рус адабиётшунослигида В.Трифонова, О.Кучерова, Р.Липец ишларида отга муносабат акс этган. Бу ишларда отнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ҳақида фикр юритилган ва бу образнинг генетик асосларини қадимий тотемистик қарашлар, от культлари билан боғлаб талқин этилган.

Иккинчидан, ўзбек фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида от образи, унинг тарихий-мифологик асослари Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев, М.Саидов тадқиқотларида халқ достонлари мисолида ёритилган. А.Тилавов, Ш.Ашурова, В.Атахановаларнинг изланишлари от образини тадқиқ этиш йўналишидаги янги тадқиқотлар сирасига киради. Бу тадқиқотларда отнинг аждодларимиз учун муҳим жанг қуроли ва инсонга энг яқин йўлдош бўлганлиги очиб берилган.

Учинчидан, мазкур образнинг инглиззабон халқ фольклорида, хусусан, қадимий афсоналар, халқ масаллари, мақоллари ва идиомаларидаги келиб чиқиш асослари, генезиси акс эттирилган. Ҳенгроен, Спумадор, Ламрей, Пасселанде, Бронзомарл сингари отлар мисолида ойдинлаштирилган ва уларга хос мўъжизавий қудрат, сезгирлик ва ҳушёрлик фазилатлари улуғланган. Ёки инглиз халқ масалларида отнинг мардлик фазилати, мақолларда эса унинг инсонга дўстлиги, чавандоз ва отнинг руҳий боғлиқлиги сингари жиҳатларга эътибор қаратилган.

Тўртинчидан, рус фольклори намуналаридаги сеҳрли от Барушка-Матушка, насл-насабли, куч-қудратга эга, зийрак ва садоқатли ҳайвон Бусепҳалус ёки Бучепҳалас образлари таҳлил этилган. Антик адабиётда эса Ҳомернинг «Илиада» достонидаги Троя оти ҳарбий ҳийла вазифасини бажарган бўлса, Уйғониш даври инглиз адабиёти, аниқроғи, Уильям Шекспир сонетлари, пьесаларидаги арғумоқлар образи инглиз жамиятидаги энг қимматбаҳо совға сифатида ифода этилган. Ўзбек халқ оғзаки ижоди, айниқса, достонларда от эпик қаҳрамоннинг содиқ дўсти, йўлдаги йўлдоши, сирдоши; эртакларда қаҳрамоннинг оғирини енгил, узоғини яқин қилувчи мўъжизакор куч эгаси сифатида талқин этилган. Муқаддас Қуръони Каримда отлар кофирлардан ҳимоя қилувчилик вазифаси, Н.Рабғузийнинг «Қиссаси

Рабғузий» асарида отларнинг гўзаллиги ифода этилган. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи Сайёр» достонларидаги Гулгун замонасининг энг гўзал ва мафтункор арғумоғи, вафодор дўст сифатида талқин этилганлиги кузатилади.

Бешинчидан, Эрнест Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрға» қиссасида йўрға образи «Алпомиш»даги Бойчиборга матонатли эканлиги билан муштарак. Шу билан бирга ёввойи йўрғани қўлга олиш учун унинг муҳаббат қўйган жуфти – байтални кишнашга мажбур қилиниши ва Бойчиборнинг эгасига садоқати туфайли қалмоқлар қўлига тушиши лавҳаларида ҳам мазмунан уйғунлик кузатилади. Қолаверса, ёввойи йўрға образи мисолида ҳақиқий йўлбошчи тимсолини бадиий гавдалантирган. У озодлик ва чин муҳаббат тимсоли сифатида намоён бўлади.

Олтинчидан, Анна Сювелнинг «Қора тулпор» романида бутун воқелик от тилидан ҳикоя қилинади. Ғарб ва Шарқ дунёқарашини уйғунлаштирган бу асардаги кўп лавҳалар «Алпомиш» халқ достони билан муштарклик касб этган. Айниқса Қора тулпор ва Бойчиборнинг бош қаҳрамонга ҳар қандай дамда ҳамдард бўла олиши, сабр ва чидами буни асослаб туради. Ёхуд романда тасвир этилган пойга жараёни ва А.Қодирийнинг «Улоқда» ҳикоясидаги бадиий лавҳаларда Шарқ дунёқарашига хос жиҳатлар акс этган. Бунда ҳар иккала асардаги отнинг учқурлиги, чопқирлиги, зийраклиги муҳим фазилат сифатида улуғланади.

Еттинчидан, «Қора тулпор»да адиб от руҳияти ва психологиясининг инсон билан боғлиқ эканлигини ифода этар экан, забонсиз ҳайвоннинг инсон меҳрини ҳис қилишини унинг ҳаракатлари орқали очиб беради. Қолаверса, отнинг садоқати эгасига бўлган муҳаббати, уни яхши кўришида намоён бўлишини бадиий лавҳаларда акс эттиради. Умуман олганда, Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрға» қиссаси, Анна Сювелнинг «Қора тулпор» романи руҳий-психологик ҳолатларнинг реалистик лавҳаларда таъсирчан акс эттирилиши, ҳайвонлар ичида отнинг инсонга ниҳоятда яқин эканлиги, унинг серфазилатлиги нуқтаи назаридан жаҳон насрида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Саккизинчидан, янги ўзбек адабиётида отга бағишланган асарлар жанрий ранг-баранглиги билан ҳам ажралиб туради. Миллий руҳ билан суғорилган Абдулла Қодирийнинг «Улоқда» ҳикояси кўп асрлик урф-одат ва анъаналар асосида бўлиб келган кўпкари – от чоптириш маросимига бағишланган бўлса, Элбекнинг «От ила одам» масали рамзий-мажозий мазмун касб этган. Ш.Холмирзаевнинг «Отнинг эгаси», Т.Муроднинг «От кишнаган оқшом», Т.Тўланинг «Дўнан» сингари асарларда от образи руҳий манзаралар орқали реалистик услубда очиб берилган.

Тўққизинчидан, Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссаси мазмун-моҳияти жиҳатидан Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» асарига яқин туради. Бу жиҳатдан Танабой ва Зиёдулла кал, Гулсари ва Тарлон сингари руҳий-маънавий жиҳатдан уйғун образларда кўзга

ташланади. Т.Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссасида от образи инсонлаштирилиши, унинг беозорлиги, сезгирлиги, фаҳм-фаросати ва ҳушёрлиги каби фазилатлар ифода этилган бадиий лавҳаларда кўриш мумкин. Асар миллий манзараларга жуда бой бўлиб, адиб отларнинг ҳаётимиздаги ўрнини очиб бериш мақсадида халқ достонлари оҳангидан фойдаланади. Унда достонларнинг наср қисмида қўлланиладиган сажъ руҳини беради.

Ўнинчидан, Туроб Тўланинг «Етти зоғора қиссаси» асаридан ўрин олган «Дўнан» ҳикояси мустақил композицияси, мазмуни билан эътиборни тортади. Унда инсон ва ҳайвон ўртасидаги илиқ меҳр ҳақида фикр юритилган. Т.Тўла дўнанни инсон янгилиғ тасвирлайди. Бу асар Ш.Холмирзаевнинг «Отнинг эгаси» ҳикоясига уйғун. Ҳар икки асардаги Инод ҳам, Бахшулла ҳам отини жуда яхши кўради, бу ҳайвонсиз улар ўз ҳаётларини тасаввур этолмайдилар. Шу асосда адиб от ва инсоннинг дўстлиги, садоқати, вафосини реалистик лавҳаларда ифода этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03**
**ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ**
**БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ОЧИЛОВА НИЛУФАР УЛМАСОВНА**

# ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРАЗА ЛОШАДИ В АНГЛИЙСКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ (ПО ПРОИЗВЕДЕНИЯМ СЕТОНА ТОМПСОНА, АННЫ СЮВЕЛЬ, ТОГАЯ МУРАДА, ТУРОБА ТОЛА)

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ**
**диссертации на соискание учёной степени доктора философии (PhD) по ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером №B2020.1.PhD/Fil1148 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб странице Научного совета (www.buxdu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Научный руководитель:** | **Кувватова Дилрабо Хабибовна**<br>доктор филологических наук, профессор |
| **Официальные оппоненты:** | **Муминов Файзулла Абдуллаевич**<br>доктор филологических наук, профессор |
| | **Хажиева Феруза Мелсовна**<br>доктор филологических наук (PhD), доцент |
| **Ведущая организация:** | **Джизакский государственный педагогический институт** |

Защита диссертации состоится «08» ноября 2022 года в 12[00] часов на заседании Научного совета DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 по присуждению учёных степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200118, г. Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: (0365) 221-29-14; факс: (0365) 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрировано за № 190). (Адрес: 200118, г. Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: (0365) 221-25-87.)

Автореферат диссертации разослан «27» октября 2022 года.

(Протокол-реестр рассылки №22-21 от «27» октября 2022 года.)

**Д.С. Ураева**
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

**З.И. Расулов**
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат филол. наук, доцент

**М.М. Жураева**
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом фольклоре и литературной критике постоянно привлекают внимание поэтика образа, англоязычный западный фольклор образа лошади, освещение исторических основ литературы. В частности, важно рассмотреть в сравнительном аспекте такие вопросы, как символическое значение этого образа в художественной литературе, его гуманизация, его близость к человеку по добродетели.

В мировой литературе проводятся исследования по прояснению теоретических вопросов, таких как сравнительно-типологическое изучение произведений, создающих образ лошади, взгляд на генезис этого образа, раскрытие его символических значений. В связи с этим особое внимание уделяется выявлению универсальных и национальных особенностей трактовки образа лошади, созданного в англо-западной и узбекской прозе.

В годы независимости большое внимание уделяется трактовке образа лошади в прозе, тому, что он зародился в связи с человеческой жизнью, многовековой историей и прошел путь художественного и постепенного развития. В конце концов, «У нас великая история, которой стоит позавидовать. У нас огромное богатство, которому можно позавидовать»[1]. Кажется, что создание образа лошади в литературе не случайно, он возник в связи с многовековой историей жизни человека и прошел путь художественного и эволюционного развития. В мировой и узбекской литературе важно изучить этот эволюционный процесс в сравнительной перспективе. Существует необходимость в дальнейшем углублении исследований.

ПФ-4797 Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 года «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои», ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановление от 21 октября 2006 г. № ПФ-5850« О мерах по кардинальному повышению престижа и статуса узбекского языка как государственного», № PQ-2789 от 17 февраля 2017 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности Академии наук», № ПП-3271 от 13 сентября 2017 г. «Развитие системы издания и распространения книжной продукции, Постановления «О Комплексной программе мер по повышению и развитию культуры чтения», 5 апреля 2018 г. № ПП-3652 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Союза писателей Узбекистана» и другие соответствующие положения, это диссертационное исследование будет в определенной степени служить для выполнения задач, изложенных в документах.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» номли маърузаси // Халқ сўзи. – 2017, 4 август. – №153 (6347).

Данное диссертационное исследование в определенной степени окажет практическое содействие выполнению задач, отраженных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП-4958 «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования» от 16 февраля 2017 года, Постановлении ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 19 сентября 2017 года, Распоряжении № 124-Ф Кабинета Министров «О проведении международной конференции на тему «Актуальные вопросы изучения и пропаганды на международном уровне узбекской классической и современной литературы» от 16 февраля 2018 года и других нормативно - правовых документах относительно данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Исследование проводилось в соответствии с приоритетом развития науки и технологий республики I. «Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовное и образовательное развитие информированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Взгляды на трактовку образа лошади в мировой и русской литературе отразились в творчестве В.Жирмунского, С.Д.Буркхарта, Р.Липец, Б.Угаль, А.Чинор, Ф. Шумер, С.Келлер, В.Трифоновой, О.Кучеровой, Л.Стебих[2].

В узбекской литературе изучается образ лошади, основы его формирования в фольклоре, а также в области анималистики. Среди них основы формирования образа лошади в фольклоре, отраженные в произведениях Х.Зарифова, К.Имамова, Г.Джалолова, Б.Саримсакова, А.Мусакулова, М.Джураева, Ш.Турдимова, Т.Хайдаров, М.Мирзаева, Ж.Эшонкулов[3]. Исследования Ш.Ашуровой, А.Тилавова, В.Атахановой,

[2] Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героической эпос. –М.:1947. –С.120-152. // https://soar.wichita.edu/bitstream/handle //Липец Р. Образ батыра и его коня в тюрко-монгольком эпосах. –М.,1984. –С.124–127. // Бахоуддин Ўгал. Турк мифологияси. –Анқара.1989. –Б. 220–223. // Али Аббос Чинор. Туркларда от ва отчилик. –Анқара.1993. // Фаруқ Сумер. Туркларда отчилик ва минувчилик. –Анқара.1989. https://www.proquest.com. /https:// school-science.ru/2/10/30772 // https://lit.1sept.ru/article.php?ID=200300602 // https://repository.ffri.uniri.hr/islandora

[3] Зарифов Х.Т. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Жанговор от образининг қадимий асосларига доир // Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. Пўлкан шоир. – Т.:1976. –Б. 65-88.// Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Т.,1981.// Жалолов Ғ.Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Т.,1976.// Саримсоқов Б.Эпик жанрдар диффузияси//Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.,1982.–Б. 97-148. // Мусақулов А. Халқ қўшиқларида от инончининг бадиий ифодаси// Ўзбек тили ва адабиёти. – 1994. –№ 4–5–6. –Б. 66–71.// Жўраев М. Ола от культининг ўзбек эпосидаги излари//Адабиёт кўзгуси. – 1996. № –2. –Б.29–37.// Қўшмоқов М. Бахшилар хазинаси. –Т., 1981.// Турдимов Ш. Соқибулбул//Соғлом авлод учун. –1996. № –2.//Ҳайдаров Т. “Гўрўғли” ва мифология синкретизми “Гўрўғлининг туғилиши” достони мисолида ном.дисс. –Т.,1993. –Б. 103–105. // Мирзаева М. Ўзбек халқ достонларида туркумлик. –Т., 1985. –Б.32–35.// Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. –Қарши, 1999. –Б.3–101.

[3] Ашурова Ш.А. Инглиззабон Ғарб адабиёти ва Ўзбек адабиётида анималистика жанри хусусиятлари (Э.Сетон-Томпсон ва Н.Норқобилов ижоди мисолида), Филология фанлари бўйича фалс. докт. дисс. –Т., 2020. . – 158 б.// Тилавов А. Ўзбек халқ достонларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини.ном.дисс. –Т.2000. // Атаханова В.Р. «Китоби Дадам Қўрқут»даги айрим мотив ва сюжетларнинг Хоразм достонларида қайта ишланиш тамойиллари. Дисс. Т.,2020. –Б. 139 б.// Жумаева С.Ч. Ҳайвонлар

С.Джумаевой в этом направлении играют важную роль в узбекской литературе и языкознании.

В частности, освещена проблема генезиса и художественного развития изображения коня в узбекских былинах М. Саидова. В докторской диссертации А.Холмуродова, посвященной изучению современных узбекских рассказов, наряду с другими рассказами Тогая Мурода, анализируется произведение «Тарлан» и акцентируется внимание на проблеме художественной психологии. По всей видимости, в упомянутых произведениях отношение к образу лошади выражено в контексте фольклора и литературы. Однако генезис, типология и символические значения образа лошади, созданные в английской и узбекской литературе, в произведениях отдельных авторов специально не исследовались.

В процессе написания диссертации были упомянуты и прокомментированы имена ряда других узбекских и мировых литературоведов. В нашем исследовании, в отличие от других научных работ в современной английской и узбекской литературе, произведения, созданные по образу лошади, изучались как сравнительно целостная художественная система.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Исследование проводилось в рамках научно-исследовательской работы кафедры узбекской литературы филологического факультета Бухарского государственного университета по теме «Изучение узбекской литературы в контексте мировой литературы».

**Целью исследования** является изучение художественной интерпретации образа лошади на примере произведений английской и узбекской литературы, таких как Эрнеста Сетон-Томпсон, Анна Сювель, Туроб Тола, Тогая Мурад, представляющее собой научную оценку символического значения.

**Задачи исследования:** теоретические основы исследования образа лошади в литературе; раскрыть генезис образа лошади, созданного в английском западном фольклоре и прозе эпохи Возрождения;

эволюция образа лошади в узбекском фольклоре и классической литературе, освещение национальных особенностей;

выражение универсальных черт образа лошади в англоязычной западной прозе, освещенное картинами Эрнеста Сетон-Томпсона «Мустанг иноходец» и Анны Сювель «Черный Красавчик»;

Обосновать символические значения и национальные аспекты образа коня, созданного в узбекской прозе, через произведения Тогая Мурада «Тарлан», Туроба Тола « Путешествие за семь рек».

---

ҳақидаги эртакларнинг генетик асослари ва спецификаси: Филол. фан. номз. ...дисс.автореф. – Тошкент,1996.– 168 б.

В качестве **объекта исследования** были выбраны «Мустанг иноходец» Эрнеста Сетон-Томпсона, «Черный красавчик» Анны Сювель, «Тарлан» Тогая Мурада, «Путешествие за семь рек» Т. Тола.

**Предмет исследования** составляет трактовка образа лошади, созданная в англоязычной западной и узбекской литературе.

**Методы исследования**. В диссертации использовались такие методы, как сравнительно-типологический, аналитический, герменевтический, психологический и комплексный анализ.

**Новизна исследования** в основном состоит из следующих:

Генезис образа лошади проиллюстрирован в англоязычном западном фольклоре: мифы, притчи, фразы, Илиада в античной литературе, сонеты Шекспира в английской литературе эпохи Возрождения, образцы русского фольклора;

Художественный и поэтапный характер образа лошади в узбекском фольклоре и классической литературе отражен в былинах «Гороглы», «Алпомиш», народных пословицах, «Кисаси Рабгузий» Н. Рабгузи, «Фарход и Ширин» Алишера Навои, Эпос «Сабъаи Сайёр» как символ мужества, верный друг главному герою;

«Мустанг иноходец» Эрнеста Сетон-Томпсона - это символ свободы, власти, отваги, настойчивости и настоящего проводника.

**Практические результаты исследования** состоят из следующих:

Подчеркнуто символическое значение лошади в рассказе Тогая Мурада «Тарлан», поскольку это самый бесценный дар, который мать-природа преподнесла человеку; что он сообразительный, умный, рассудительный, заботливый зверь раскрывается в сравнении с рассказом Чингиза Айтматова «Прощай, Гульсари»;

В примере рассказа Туроба Тола «Донан» в повести «Путешествие за семь рек» дружба, верность лошади и мужчины основываются на фоне отношений между Донаном и ребенком;

Универсальные аспекты образа лошади, созданные в английской и узбекской литературе, такие как настойчивость, чуткость, бдительность, свобода, вольность, сила, отвага, определяются в сравнительно-типологическом аспекте через художественные отрывки.

**Достоверность результатов исследования** объясняется точностью поставленной проблемы, получением теоретических данных взяты из имеющихся научных источников, обоснованностью представленных анализов посредством сравнительно-типологического, аналитического, герменевтического, психологического и комплексного методов анализа, внедренностью в практику научных мнений и выводов, подтвержденностью полученных результатов компетентными структурами.

**Научная и практическая значимость результатов исследования.** Научная значимость результатов исследования объясняется тем, что они могут быть использованы при изучении генезиса образа лошади, при анализе взаимосвязи перевода и оригинальности, для освещения аспектов

переводческого искусства, закономерности развития сравнительного литературоведения.

Практическая значимость результатов исследования определяется тем, что в высшей школе могут быть использованы учебники и пособия по «Истории узбекской литературы XX века», «Теория и практика перевода», «Современный литературный процесс», «История мировой литературы».

**Внедрение результатов исследования.** На основе научных результатов по интерпретации образа лошади, созданной в английской и узбекской литературе освещены:

